

**ХИТОЙ ЯНГИ ШЕЪРИЯТИНИНГ ЭВОЛЮЦИОН  
 ШАКЛЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ  
 (XIX АСРНИНГ ОХИРИ XX АСРНИНГ БОШЛАРИ)**

**ОЧИЛОВ ОЗОДЖОН**

тадқиқотчи, ТДШУ

Crossref doi: <https://doi.org/10.37547/ot/vol-01issue-02-03>

**Аннотация.** Хитойда ҳукм сурган империализмнинг сўнги йилларида юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар адабиётга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Хусусан, шеъриятда инқилоб даражасидаги ҳаракатлар юзага кела бошлади. Бу жараён қисқа давр ичида бир нечта босқичларда баъзан муваффақиятли, баъзан муваффақиятсиз тарзда амалга оширилди. Шеърият эски анъаналардан воз кечиб, имкон қадар халққа яқинлашиши сари борди. Катта қаршиликларга учрасада шеъриятда умумхалқ тили бўлган байхуадан фойдаланиши кенг тус олди, ритм, қофия, умуман мумтоз шеъриятга хос бўлган хусусиятлардан воз кечиши провард мақсадга айланди. Шеърнинг шакли эмас, балки унинг гоёси, мазмун-моҳияти муҳим эканлиги биринчи планга чиқди, унинг бадиий-эстетик қимматига путур ета бошлади. Мақолада хитой шеърияти инқилобининг эволюцияси ва унда иштирок эткан адиблар ва мактабларнинг ҳиссаси ҳақида сўз боради.

**Таянч сўз ва иборалар:** янги шеърият, шеърият инқилоби, байхуа, эволюция, адабий мактаблар.

**Аннотация.** Социально-политические изменения, происшедшие в последние годы империализма, господствовавшего в Китае, отразились и на литературе. В частности, в поэзии стали зарождаться революционные движения. Этот процесс осуществлялся в короткий срок в несколько этапов, иногда успешно, иногда безуспешно. Поэзия отказалась от старых традиций и максимально приблизилась к народу. Несмотря на большую оппозицию, использование байхуа, общего языка в поэзии, получило широкое распространение, а отказ от ритма, рифмы и черт, характерных для классической поэзии в целом, стал провардной целью. На первый план выступила не форма стихотворения, а его идея, его сущность, которая стала подрывать его художественную и эстетическую ценность. В статье рассматривается эволюция китайской поэтической революции и вклад писателей и школ, участвовавших в ней.

**Опорные слова и выражения:** новая поэзия, поэтическая революция, байхуа, эволюция, литературные школы.

**Abstract.** The socio-political changes that have taken place in the last years of the imperialism of China have also had an impact on literature. Particularly, there were some activities equal to revolution in poetry. This process was carried out in a short period of time in several stages, sometimes successfully, sometimes unsuccessfully. Poetry has abandoned old traditions and moved closer to the people as much as possible. Despite strong opposition, usage of bayhua, common language of the people, did not stop to spread in poetry. Moreover, abandonment of rhythm, rhyme and other features of typical classical poetry became a primary goal. It was not the form of poem, but its idea, its essence, that came to the fore, which began to undermine its artistic and aesthetic value. This article discusses the evolution of Chinese poetry revolution and the contribution of the writers and schools that participated in it.

**Keywords and expressions:** new poem, poetic revolution, baihua, evolution, literary schools.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошлари Хитой жамиятида рўй берган чуқур ўзгаришлар билан ҳамоҳанг тарзда хитой шеъриятида ҳам улкан эврилишлар юзага келган давр бўлди. Жу Зэчинг таъкидлаганидек, шеърият замон ўзгаришларини тез пайқайди ва бунни ўзида баралла акс эттиради. Шеърият замон билан бирга юради, ҳаттоки ортидан

эргаштиради ҳам”<sup>1</sup>. Олдинга илдамлаш, янги воқеликлар, кашфиётлар, ихтироларнинг пайдо бўлиши, янгича тафаккурнинг кириб келиши, реал ҳаёт ва инсонлар ҳис-туйғуларидаги мураккаб ўзгаришлар қатъий қоидаларга асосланган мумтоз шеъриятни ортиқ давом эттириш имкониятларини йўққа чиқара бошлаган эди. Ма Жюньву “Танг, Сунг, Юан, Минг даврларига эътибор қилманг, авангард шеъриятга тақлид қилинг. Эскидан янгига ўтмоғимиз керак...”<sup>2</sup> каби фикрларни ўртага ташлади. Шу тариқа даврнинг аксарият адиблари шеъриятда ўзгаришлар бўлишини қўллаб-қувватлашди, бирин-кетин янги мактаблар, янги ҳаракатлар юзага кела бошлади.

Хитойда “шеърият инқилоби”нинг бошланиши бўйича одатда уч хил қарашлар мавжуд: биринчи, энг дастлаб “Янги билим шеърияти” (“新学诗”) ғоясини илгари сурган Жу Зичинг қарашлари билан боғлиқ<sup>3</sup>. Иккинчиси, “Янги оқим шеърияти” (“新派诗”), бу ном дастлаб Ху Ши томонидан тақлиф этилган бўлиб, унинг ёзишича, Хуан Зунсяннинг 1868 йил ёзилган “Уйқаш туйғулар” 《杂感》 шеърини шеърият инқилоби бошланганлигининг эълони деб ҳисоблаш мумкин.<sup>4</sup> Учинчиси, 1899 йил Лянг Чичао томонидан расман илгари сурилган “Шеърият инқилоби” (“诗界革命”) шиори<sup>5</sup> билан боғлиқ эди.

Дастлаб Лянг Чичао, Ся Цэнзуо, Тан Сэтонг тез-тез Пекинда йиғилишиб шеъриятни ислох қилиш бўйича муҳокама ва мунозаралар ўтказиб туришган.<sup>6</sup> Бу оқим шеъриятнинг асосий хусусиятларидан бири шеъриятга “янги отлар”ни яъни от сўз туркумига оид янги лексикани олиб кириш орқали бошқа оқимлардан фарқланиб туришга уринишда эди. Улар асосан Буддизм, Конфуцизм ва Христианликнинг муқаддас китобларидан олинган сўзлардан фойдалана бошлашди. Бундай сўзлар хитой тилига асосан фонетик жиҳатдан ўзлашган ҳамда рамзий маънога эга эканлиги билан махсус изоҳларсиз тушуниш мушкул бўлган. “Янги билим шеърияти”ни тушуниш қийин бўлсада, бу оқим етакчилари мураккаб сийёсий, маданий, тарихий вазиятга қарамасдан тинимсиз равишда фикр эркинлигига, янги ғояларини илгари суришга интилишарди. Буни Лянг Чичаонинг хотираларидан англаш қийин эмас: “Биз биргаликдаги фаолиятимиз даврида олдинги илм аҳлига қарши бўлдик, уларга хайрихоҳ бўлмадик, балки улардан нафратландик...Биз ўша пайтларда Хитойнинг Хан сулоласидан кейинги илми аркони мутлақо керак эмас, хорижнинг илми маъқул, деб ҳисоблардик. Мадомики, бизга Хан сулоласидан кейинги давр керак эмас экан, унгача бўлган барча дин ва фалсафий оқимларнинг муқаддас китоблари ва мутаффакирларининг илмий меросини дастурил амал қилиб олдик; хориж илми маъқул дея ҳисобласакда, уни тушунмас, ўқий олмас эдик, бор-йўғи бир нечта диний таржима китоблар бўлиб, уларни бебаҳо кўрар эдик. Бунинг устига бизнинг субъектив ғояларимиз — дин бўлиб дин бўлмаган, фалсафа бўлиб фалсафа бўлмаган, фан бўлиб фан бўлмаган, адабиёт бўлиб адабиёт бўлмаган ғалати ва абсурд ғояларимиз келиб қўшилди. Юқорида санаб ўтилган барча унсурлар ўзаро қоришиб “Янги билимлар шеърияти” деб аталмиш ҳаракатни ташкил қилди”<sup>7</sup>. Диний-фалсафий мазмунга берилган бу ҳаракат янгиликка интилаётган авангард ёшлар томонидан қабул қилинмади ва у секин асталик билан ўз аҳамиятини йўқота борди. Шундай бўлсада, бу ҳаракатни шеърият инқилобининг бошланиши эди деб

<sup>1</sup> 朱自清：《今天的诗》，选择陈绍伟：《中国新诗集序跋选（一九一八-一九四九）》湖南文艺出版社，1986年版，第454页。

马君武：《寄南社同人》，收入《南社诗集》第3册。

<sup>3</sup> 朱自清：《论中国诗的出路》，载《中国文学月刊》，1933年第1期。

<sup>4</sup> 胡适：《五十年来中国之文学》，见《胡适文存》，第二集，136页，上海，亚东图书馆，1924。

<sup>5</sup> 陈建华：《晚清“诗界革命”发生时间及其提倡者考辨》，见《中国文学丛考》，第1辑，335页，上海，复旦大学出版社，1985。

<sup>6</sup> 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，载《晨报副刊》，1924年4月29日。

<sup>7</sup> 梁启超：《亡友夏穗卿先生》，载《晨报副刊》，1924年4月29日。

баҳолаш мумкин. Улар хитой шеъриятига биринчи бўлиб Европа адабиётидан иқтибослар олиб кирди ва янги услуб яратишди. Улар шу орқали кенг кўламли “Шеърият ислоҳоти”га ўз ҳиссаларини қўшишди.

“Янги оқим шеърияти” (“新派诗”) мактабига мансуб шоирлар нисбатан кўпчиликни ташкил қилиб, асосан ватанпарварлик ғояларини ифода қилувчи шеърлар ёзишди. Бу оқимда Хуан Зунсяндан ташқари Канг Ёвей, Жянг Жэ-ё, Чю Фэнгжя, Чю Вэй-ай, Май Мэнгхуа, Ди Баосян каби шоирлар ҳам ижод қилишди. Бу оқимнинг асосий хусусияти маълум даражада мумтоз шеъриятнинг қофия ва шаклий хусусиятларини сақлаб қолган ҳолда ўз ғояларини ёйишга ҳаракат қилишди. Бу йўналиш шоирлари ҳам анъаналарга тўла барҳам бераолишмади.

Лянг Чичао “Янги билимлар шеърияти” оқимидан ажраб чиққиб, “Шеърият инқилоби” шиорини ўртага ташлади. Унинг асосий ғояси шакл жиҳатдан анъанавий шеърият услубини сақлаб қолган ҳода янги образлар яратиш, янги ғояларни илгари суриш, янгича гап тузилишидан фойдаланиш, янги лексикадан фойдаланиш каби қарашлардан иборат эди. Бу эскилик ва янгилик ўртасида кучли қарама-қаршилиқни келтириб чиқарди ва бу ташаббус ҳам юқоридагилар каби муваффақият қозона олмади. Шундай бўлсада Лянг Чичао илгари сурган ғоялар кейинги тўлқинларнинг юзага келишига сабаб бўлганлигини кузатиш мумкин.

XX асрнинг бошларига келиб ижтимоий таназзул жиддий тус олди, инқилоб ғоялари жаддаллашиб бораверди. Илғор зиёли қатлам бундай пайтда адабиётни ислоҳ қилиш заруриятини янада чуқурроқ англаб етишди. Тилдаги ўзгаришлар табиий равишда шеъриятнинг ҳам эврилишини келтириб чиқарди. Гонг Зижэн, Лянг Чичао каби шоирлар оғзаки нутқ ва от сўз туркумига оид янги сўзларни шеъриятга киритди, Хуанг Зунсян “Оғзим айтганини кўлим ёзади” шиори асосида ижод қилди, Ма Чюнвунинг шаклан эркин бўлган шеърияти пайдо бўлди. Уларнинг шеърияти қадимги хитой шеърияти анъаналарини йўққа чиқара бошлади. Яна бир нарса аҳмиятга молик, империянинг сўнгги йилларида шеърият фольклор қўшиқларнинг ритми, лексикаси, тили, қофия эркинлиги, гап тузилиши, халқоналиги каби хусусиятларини сингдира бошлади. Бу адабиётдаги улкан “ўтиш даври” эди. “Байхуа”да шеър ёзишни ақлга сиғдириб бўлмас, ҳаттоки кечириб бўлмас хато ҳисобланган замонда янги шеъриятни ислоҳ қилиш анча мураккаб ҳодиса бўлишига қарамай, бир қатор ижодкорлар ўз қарашларини баралла айтишни бошлади. Айрим ижодкорлар Лю Язининг қарашлари ортидан эргашди: “Адабиёт инқилоби, инқилоб бизнинг сийратимизда, суратимизда эмас. Сурат эскича, сийрат янгича бўлиши даркор...шеърий асарларнинг манбаси бир аммо ўзани бошқадир”. Янги замон тафаккури ва инқилоб руҳияти зимдан етилиб келаётган бўлсада, тил ва классик қоидаларни сақлаб қолишга қурашаётганлар ҳамон кўп бўлиб, янги шеъриятни, янги мазмун, янги руҳият, янгича услубни оммалаштириш мураккаб кечди. Эски услуб, эски шакл ёрдамида янги мазмун ифодалашга уринишлар шиддат билан борди, амалда муваффақиятсизликка учради. Шундай бўлсада, Лонг Чуанминг таъкидлаганидек, янги мазмун эски қолипларда берилиши билан бир қаторда шеърият аста секинлик билан янги шакл томон ҳаракатланаётган эди<sup>8</sup>.

Империянинг сўнгги йилларида давом этган “Шеърият инқилоби” гарчанд классик шаклдан воз кечишга эриша олмаган бўлса ҳам, ҳар ҳолда шеъриятга янги термин ва атамалар, чет тилидан ўзлашган сўзлар, байхуа тили элементларининг кириб келиши унинг ҳар томонлама эркинлашиши, ўзгаришига замин яратди. Фольклор қўшиқлар, болалар шеъриятига эътиборнинг кучайиши ва улардан кенг тарзда фойдалана бошлашнинг натижасида хитой шеъриятининг олий насаб одамларгагина хослик тенденцияси завол топишига олиб келди, халқ адабиётининг уйғониши ва байхуа

<sup>8</sup> 龙泉明：《中国新诗流变论1917-1949》，人民文学出版社，1999年版，第20页。

шеъриятнинг пайдо бўлишига йўл очилди<sup>9</sup>. Умуман айтганда бу инқилоб қайсидир маънода сўнгги Чинг сулоласи шоирлари учун туртки ва замонавий шеърият томон ташланган дастлабки қадам бўлди.

Янгича кўриниш олаётган хитой шеърияти мумтоз шеъриятнинг қонуниятлари, вазни, қофия тузилиш, тили ва шаклини рад этиб, эркинлашиш, оммабоплашиш ва прозаиклашиш томон илдамлаб борарди. Чинг империясининг сўнгги йилларида рўй бераётган “Янги шеър инқилоби”нинг яратувчилари шеърият ислохотларининг аҳмиятини англаб етишган бўлсада, лекин уларда ҳамон янги шеъриятнинг аниқ қандай бўлиши кераклиги борасида пухта режалар йўқ, тўлиқ тасаввур ҳам шаклланмаган эди. Янги шеъриятнинг ҳақиқий холоскори сифатида “Байхуа шеърияти” пайдо бўлди. Айниқса Ху Ши илгари сурган ғоялар бунга катта туртки бўлди: “вазни ўйламанг, оҳангларга бош қотирманг, бўғинлар қисқа-чўзиқлигини унутинг, қандай ёзгингиз келса, ўшандай ёзинг”<sup>10</sup>. Айнан мана шу ундов том маънодаги янги шеърият пайдо бўлишига дастлабки муҳим туртки бўлиб, хитой шеъриятининг замонавий шеърият томон муҳим ва дадил қадам ташлаши учун замин яратди. Байхуада ёзилган шеърлар кескин кўпайди, ким қандай хоҳласа шундай ёзишни бошлади, натижада шеър ҳам шаклан ҳам мазмунан эстетик моҳиятини йўқота бошлади. Замонавий шеъриятни қутқариш, уни ўз йўлига солиш ҳаракатлари бошланиб кетди. Вэн Эдуо каби адиблар Англия ва Америка замонавий шеъриятининг манбааларини ўзлаштира бошлади, хитой ва европа шеърият санъати анъаналарини умумлаштиришни йўлга қўйишди. Лекин бундай ташаббуслар беқарор даврда тезда муваффақисизликларга учрарди, шу тариқа янги шеърият ғоялари секинлик билан уйғониб борарди. Кийинчалик “Инқилоб адабиёти”нинг пайдо бўлиши унинг олдига янги оммабоплашиш талабини қўйди. Бу талаб Совет пролетар адабиёти қарашлари ва реализм ижод усулларининг ўзлаштирилиши билан амалга оша бошлади. Шеъриятнинг оммабоплашиши унинг халққа янада яқинлашувига олиб келди. Шу тариқа бу давр шеърияти инқилоб руҳиятини ёритиш, халқни янги даврга нисбатан иштиёқини ифодалаш, уларни руҳлантириш йўлидан кета бошлади.

1919 йил амалга оширилган “4 май” маданият ҳаракати тафаккур озодлигининг буюк инқилоби бўлди, дейиш мумкин. Бу айнан янги шеърятда эркинлик, халқчиллик каби принципларнинг тўла-тўқис намоён бўлишига катта туртки бўлди. “Янги адабиётнинг тили байхуа, янги адабиётнинг жанри эркин, қоидалардан ҳоли”<sup>11</sup>, деган эди Ху Ши. Унинг “Қандай сўзласанг, шеърни шундай ёз” шиорининг аҳамияти ошди, шеърнинг ҳамма учун тушунарли бўлиш кераклиги асосий мезонга айланди. Ху Шининг шиори ортидан Лю Баннонг, Шэн Эмо, Юй Пингбо, Лю Дабай, Канг Байчинг, Жоу Зуорэн, Жу Зичинг каби адиблар бирин-кетин байхуада шеърлар ижод қилишни бошлади: 《鸽子》 (“Кабутар”), 《人力军夫》 (“Кучли аскар”), 《相隔一层纸》 (“Ажратиб турар қоғоз”), 《月夜》 (“Ойли тун”), 《一念》 (“Лаҳза”) каби шеърлар шулар жумласидандир. Бу қаторлик байхуада битилаётган шеърлар классик шеъриятнинг қонун-қоидаларига вэнянь қолипларига барҳам бера бошлади. Ху Ши бу ҳақда фикрларини давом эттириб, шеърнинг бўғинлари табиий бўлиши, қофиябозлик қилмаслик, қиммат камтарликда, безакда эмаслигини таъкидлаган эди.<sup>12</sup> Байхуа янги шеърияти яшин тезлигида ривожлана бошлади ва энг машҳур ҳисобланган 《新青年》 (“Янги ёшлар”), 《新潮》 (“Янги тўлқин”), 《少年中国》 (“Хитой ёшлари”), 《星期评论》 (“Ҳафта мунозараси”) каби кўплаб журналлар, 《京报》 (“Пойтахт”), 《晨报》 (“Тонг”), 上海《民国日报》

<sup>9</sup> 龙泉明：《中国新诗流变论1917-1949》，人民文学出版社，1999年版，第84页。

<sup>10</sup> 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998年版，第133页

<sup>11</sup> 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998年版，第133页。

<sup>12</sup> 胡适：《胡适文集》第三卷，人民文学出版社，1998年版，第134页。

(Шангхайнинг “Республика”) , 《时事新报》 (“Замон”) каби газеталари бирин-кетин ўз саҳифаларида байхуа янги шеърияти намуналарини чоп эта бошлашди. Канг Байчинг айтганидек, “Халқ шеърияти ҳаракати” юзага келган эди.<sup>13</sup> Умуман айтганда, хитой янги шеърияти деганда тил, шакл, ғоя ва мазмун жиҳатдан янгиланиш назарда тутила бошланди.

Маърифатпарварлик ва гуманизм руҳиятини ўзида мужассамлай бошлаган байхуа шеърияти янги давр хитой шеърияти замонавийлашиши жараёнининг бошланғич нуқтаси бўлди. Байхуа шеърияти тил имкониятларини кенг қўллаган ҳолда шеъриятда фикрни эркин ифодалаш мақсади рўёбга чиқди. Янада аниқроқ айтганда, тил, шакл, ифода жиҳатдан эркинлашув фикр ва ғояларнинг ҳам эркинлигига олиб келди. Байхуа шеъриятининг қиммати унинг янги шаклга келганида эмас балки, халқ дардининг жасурлик билан куйлана бошланганида бўлди.

Гуо Можо хитой янги шеъриятида алоҳида ўринга эга шахслардан. У ёзади: “менинг барча ёзганларим, бу фақатгина лаҳзалик шиддат эмас, балки ўзинг хоҳлагандек савдой рақсга тушиш ҳамдир”<sup>14</sup>. Гуо Можо шеъриятида шиддат билан бир қаторда оғзаки нутқга хослик, таржималардан иқтибослар, ўзлашган сўзлар, илмий атама ва терминлардан курама фойдаланганлигин кўрамиз. 《女神》 (“Маъбуда”) тўпламидан ўрин олган шеърлар қадимги шеъриятнинг турли чекловларидан холи бўлиш билан бирга, мазмунан халқни олдинга чорлаш, уларга кўтаринкилик бахш этишга қаратилди. Шу тариқа шаклан ва мазмунан эркинлашиб бораётган шеърият секин-асталик билан анъаналар доирасидан чиқа бошлади. “Шунчаки, хоҳлагинимдай, ҳаётий, халқ тили ёрдамида ўзимни номоён этишни истайман... ўзни намоён этишга келсак, қофияли ёки қофиясиз шеър, тақлид ёки яратилган шеър, ҳаттоки шеър ёки шеър эмас, буларнинг ҳеч бири Менинг ўзлимга алоқадор эмас”, деб ёзган эди Фан Сонгдэ<sup>15</sup>. “Янги шеърият асосий эътиборини “байхуа”га қаратган, шеъриятга эмас. Барча уни эски шеърият тўридан кутқаришга уринишмоқда, қандай қилиб янги шеърият асосини яратишга эмас”<sup>16</sup>. “Маърифатчилик бош мавзуга айланганида, шоирлар “янги кўзалар” ясашга берилмасдан, “май” тайёрлашда давом этмоқдалар. Янги ғояларни илгари сурмоқ учун, маърифатчилик учун, моҳиятан шеър руҳини ислоҳ қилмоқ керак, бинобарин шеърият инқилобда ғояга урғу бериб, шаклга эътибор қаратмаслик устувор бўлсада, кўзланган мақсадга барибир етилади”<sup>17</sup> каби фикрлар янгради. Хусусан, Ху Ши шундай таъкидлайди: “Ниманг бўлса, ўшани шеър қил, қандай гапинг бўлса, ўшани сўйла”<sup>18</sup>. Кўринадики, бу даврда шоирлар асосан анъанавий шеърият таъсиридан қутилишга зўр беришди, асосий эътиборни қандай бўлсада халқни уйғотишга, уларни руҳлантиришга қаратилган ғояларини етказишга қаратди. Бу учун шакл иккиламчига айланди ва шеърият минг йилликлар давомида яратилган қолиплардан кўчиб, оғзаки ва адабий-бадий тил ўртасидаги чегаралар, шеъриятдан лирик хусусиятлар йўқола бошлади. Шаклни эркинлаштиришга ҳаддан ортиқ уриниш оқибатида ритм, қофия каби муҳим унсурларнинг рад этилиши шеъриятнинг муҳим вазифаларидан бири бўлган эстетик завқ бериш хусусияти сустлашишига олиб келди. Кейинчалик Му Мутян бу ҳақда “Хитой янги шеър ҳаракатининг энг катта жинойатчиси менимча Ху Ши бўлади, унинг шеър прозадек бўлиши керак деган ғояси энг

<sup>13</sup> 糜白情：《新诗底我见》，选自‘少年中国’一卷九期，1920年。

<sup>14</sup> 郭沫若：《郭沫若1920年2月16日致宗白华的信》，选自尚斌如：《郭沫若专集一》，1984年版，第13页。

<sup>15</sup> 潘颂德：《中国现代诗论40家》，重庆出版社，1991年版，第62页。

<sup>16</sup> 梁实秋：《新诗的格调及其他》，选自‘诗刊’创刊号，1931年1月20日。

<sup>17</sup> 许霆：《关于中国新诗发生若干问题的反思》，选自‘常熟理工学院学报’，2006年第3期。

<sup>18</sup> 胡适：《尝试集》(自序)，选自《新青年》，6卷5号，1919年5月

катта хато эди”<sup>19</sup>. Жоу Зуорен эса бу давр шеърияти ҳақида “Янги шеъриятнинг дастлабки ўн йиллигидаги энг катта айби “унинг маъза-матраси йўқлигида”” дея фикр билдирган эди. Шу тариқа ўткан асрнинг 20-йилларига келиб янги шеърият инқирозга юз тута бошлади. Натижада шеъриятнинг янги қонун-қоидаларини яратиш, унга мос ва хос талаб-таклифларни ишлаб чиқиш зарурият юзага келди, бу вазифани “Янги Ой” мактаби ўз зиммасига олди (кейинги мақолаларда батафсил).

Хулоса қилиб айтганда, Хитой адабиёти тарихида 19-аср охири адабиётда, хусусан шеъриятда туб бурилиш даври бўлди. Бу даврда ўта кескин ўзгаришлар рўй бермаган бўлсада, шеърият инқилобининг юзага келиши учун зарур туртки бера олди. 20-аср бошларига келиб, эски мумтоз шеърият қонун-қоидаларидан батамом воз кечиш ҳаракати кучайди, байхуада шеърлар ёзиш кескин кўпайди. Натижада шеъриятнинг муҳим хусусияти саналган бадий-эстетик завқ улашиш вазифаси ўз моҳиятини йўқота борди. Шундай бўлсада, шеъриятда минг йиллардан бери дярли ўзгармай келаётган қонун-қоидаларга қарши бориш, ўз фикри, ғояларини эмин-эркин баён қилишга интилиш тимсолида маънан эскирган чиркин феодал жамият тартибларига қарши кураш, фикр эркинлига интилиш шиддатли тус олди. Бу давр адабиёти, хусусан шеърияти халқни халқ сифатида бирлаштирди, уларни эскиликдан воз кечиб янги ҳаёт сари яқдил ҳаракат қилишлари учун руҳлантирди. Унинг бирламчи мақсади ҳам шу эди, аслида.




---

<sup>19</sup> 穆木天：《谭诗一寄沫若的一封信》，选自刘福春，李广田：《回读百年20世纪中国社会人文论争第二卷上》，2009年版，第278页。